

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЙЧИЕВ ОЛИМЖОН АЛИЖОНОВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИККА ОИД
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РОБОТОТЕХНИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИ
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации

Докторской философии (PhD) по педагогическим наукам

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Тўйчиев Олимжон Алижонович

Ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини
робототехника элементлари асосида такомиллаштириш..... 5

Туйчиев Олимжон Алижонович

Совершенствование компетенции учащихся в сфере технического
творчества на основе элементов робототехники 21

Tuychiev Olimjon

Improvement of Competencies in Technical Creativity of Students Based on
Elements of Robotics 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТҶЙЧИЕВ ОЛИМЖОН АЛИЖОНОВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИККА ОИД
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РОБОТОТЕХНИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИ
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3-4.PhD/Ped355 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cspi.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жўраев Хусниддин Олтинбойевич педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Абдиев Умирбек Бегматович педагогика фанлари доктори, доцент Усмонов Шукрулло Нейматович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» июль куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104 уй. Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41; e-mail: chpdi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104 уй. Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41))

Диссертация автореферати 2021 йил «6» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «6» июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ж.Э.Усаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.
Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)
Р.А. Эшчанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий ҳамда таълим соҳасида муаммоларни амалий ечимини топишда инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Ҳозирги вақтда Англия, Германия, Корея, Россия, Франция, Япония каби ривожланган давлатларда (LegoMindstorms, LegoWeDo, Huna, Arduino, Matrix) турли ёш тоифасидаги ўқувчилар робототехника билан шуғулланиш, робототехник элементларидан ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда қўллаш масалалари ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари ҳамда таълим марказларида тадқиқ қилинмоқда. Замонавий илмий ва технологик ютуқлар асосида маҳаллий муҳандислик корпуси робототехникаси соҳасида изланишларни жадаллаштириш ҳисобига ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда мактаб ўқувчиларини техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда робототехника элементларини самарали қўллаш, ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини такомиллаштиришга доир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мактаб ўқувчиларини инновацион технологиялар шароитларига тайёрлаш, робототехника каби техник инновацион йўналишлар бўйича роботлаштирилган муҳитнинг бўлғуси истеъмолчилари сифатида ўқитиш ва тарбиялаш, робот ва роботлаштирилган тизимларни ишлаб чиқарувчиси, бўлғуси мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Ўқувчиларни техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда тўғарак машғулотларида техник таълимни амалга оширишда, робототехник қурилмаларини лойиҳалаштириш ва моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш, ўқувчиларга замонавий технологияларнинг илмий асосларини ўзлаштиришни таъқозо этади.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитларини яратишга, таълим муассасаларининг моддий-техник базани мустаҳкамлашга, дидактик-методик таъминотни таъминлашга, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишга доир қатор вазифалар амалга оширилди. Таълим тизими олдидаги устувор вазифалардан бири «2030 йилгача қўшимча таълим муассасаларида робототехника, ахборот технологиялари ва дастурлаш каби замонавий тўғараклар улушини 20 фоизга ошириш»¹дан иборат бўлиб, бу борада физикадан тўғарак машғулотларида техник ижодкорликка оид компетенцияларни дидактик ва методик имкониятларини кенгайтириш, дарсдан ташқари машғулотларни робототехника элементлари асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон ва 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5815-сон Фармонлари, 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сон ва 2019 йил 26 ноябрдаги “Замонавий мактаб” ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4537-сон Қарорлари ва ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, методлари, усул ва воситалари, инновацион технологияларини ишлаб чиқишнинг баъзи масалалари бўйича А.А.Абдукодиров, Б.Р.Адизов, Р.Х.Джураев, Ш.Қ.Мардонов, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурмонова, У.Н.Нишоналиев, Ш.Ш.Олимов, Қ.Т.Олимов, Ў.Қ.Толипов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов ва бошқаларнинг ишларида ёритиб берилган. Физика ўқитишда фанлараро интеграцияни амалга ошириш ҳамда ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари бўйича М.Джораев, М.Давлетшин, Ҳ.О.Жўраев, М.Мамадазимов, Ю.Ғ.Махмудов, Б.М.Мирзахмедов, Ж.О.Толипова, Э.О.Турдикулов, С.Қ.Қаҳҳоров, М.Қурбонов, Ж.Э.Усаров ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, Л.С.Выготский, А.И.Воробёв, Э.Ф. Зеер, Е.П.Ильин, М.И.Котик, П.С.Лернер, М.М.Моисеева, В.Н.Мясищев, В.Г.Разумовский, С.Л.Рубинштейн, Дж.Равен, А.И.Савенко, Г.К.Селевко ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий асослари, техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришда замонавий техника-технологиялардан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш методикаси ва робототехника элементларидан фойдаланиш масалалари хорижий давлатлар олимларидан P.Corke, M.Margolis, R. Siegwald, H. Choset, K.Lynch, S.Hutchinson, B.Sicilliano ларнинг илмий-тадқиқот ишларида атрофлича ўрганилган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий изланишлар ва илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот режасига ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент давлат ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁБВ-Атех-2018-131 “Автоматлаштирилган роботоконструктор техник ишланмалар” мажмуаси ва ундан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқиш” (2016-2018 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг техник ижодкорликка оид компетенцияларини ривожлантириш омиллари, усуллари ҳамда педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

робототехника элементларидан фойдаланиб техник таълимни амалга ошириш ҳамда ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

робототехника элементларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

робототехника элементларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов-ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш.

Тадқиқот объекти умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлаштириш жараёни белгиланиб, унда тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларидаги 537 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқот предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид табиий-илмий, умумкасбий, махсус, психологик-педагогик адабиётлар таҳлили; педагогик ҳолатларни моделлаштириш; давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим мактаблари тажрибасини умумлаштириш; тажрибалари ўқитувчилар фаолиятини кузатиш, педагоглар билан суҳбат ўтказиш; ўқитувчилар ва ўқувчилар билан педагогик сўровномалар, тажриба-синовни ўтказиш ва унинг натижаларини математик-статистик методлари ёрдамида қайта ишлаш ҳамда умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрта мактаб ўқувчиларига тўғарак машғулотларида техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришнинг услубий таъминоти конструкторлик элементларини автоном тарзда ишлатиш имконияти ва механик модулларини тизимли қўллаш орқали такомиллаштирилган;

тўғарак машғулотларида техник таълимни амалга ошириш методологик ёндашувлари робототехника элементларининг идентив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш модели робототехника элементларини дастурлашга физик-кимёвий ва механик ёндашув яхлитлигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш методикаси робототехника конструктив элементларини тақсимланган ҳолда кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Робототехника ўқув материаллари фанлараро интеграцияни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган “Робототехника” тўғараги ўқув дастури такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

тўғарак машғулотларида техник таълимни амалга ошириш методологик ёндашувлар асосида ўқув ресурсларидан самарали фойдаланиш методик тизими аниқлаштирилган;

робототехника элементларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

робототехника элементларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва педагогик-тажриба синов ишларида амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; мавзуга оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-

статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини ривожлантиришда робототехника элементларидан фойдаланиш, тўғарак машғулотларида техник таълимни амалга ошириш, робототехника элементлари асосида ўқитиш модели такомиллаштирилган, олинган натижалар умумий ўрта таълим мактабларида дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан умумий ўрта таълим мактабларида тўғарак машғулотларидан қўлланиладиган ўқув материаллари мазмуни фанлараро (физика, технология, информатика, чизмачилик) интеграцияни таъминлашда, ўқувчиларни техник ижодкорликка оид компетенциялари робототехника элементларини асосида ривожлантириш моделини ишлаб чиқишда ҳамда замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

ўрта мактаб ўқувчиларига тўғарак машғулотларида техник ижодкорликкомпетенцияларни ривожлантиришнинг услубий таъминоти конструкторлик элементларини автоном тарзда ишлатиш имконияти ва механик модулларини тизимли қўллаш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан ЁБВ-Атех-2018-64 рақамли “Разработка человекоподобного (Гуманоида) робота с искусственным интеллектом” (2016–2018 йй.) амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 04-10/4191-1-сонли маълумотнома). Натижада дарсдан ташқари тўғарак машғулотларида робототехника конструкторлик элементлари асосида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенциялари техник касбларга қизиқишларини ривожлантиришга хизмат қилган;

тўғарак машғулотларида техник таълимни амалга ошириш методологик ёндашувлари робототехника элементларининг идентив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ўқув жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 17 июндаги №01-02/5-850-сонли маълумотнома). Натижада тўғарак машғулотларида техник таълимнинг методологик ёндашувларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш модели робототехника элементларини дастурлашга физик-кимёвий ва механик ёндашув яхлитлигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш методикаси

робототехника конструктив элементларини тақсимланган ҳолда кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилишга доир тақлифлардан ЁБВ-Атех-2018-131 “Автоматлаштирилган робото-конструктор техник ишланмалар” мажмуаси ва ундан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқиш” (2016-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 04-10/4191-1-сонли маълумотнома). Натижада тўғарак машғулотида робототехника ўқув материалларини ўқитишнинг самарали ташкил этиш ва ўтказишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси юзасидан жами 12 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола жумладан, 1 таси хорижий журналларда 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари санаб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини робототехника элементларидан фойдаланиб ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида физика, математика, информатика, технология ва бошқа фанларни ўқитишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда педагогик ва инновацион технологияларидан фойдаланишга доир адабиётлар таҳлил қилинган. Уларда умумий ўрта таълим мактабларда таълимни ташкил этишнинг мазмуни, воситалари ва педагогик ва инновацион технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари ўрганилган, ўқувчиларнинг техник ижодкорлик

қобилиятларини ривожлантиришда замонавий техника ва технологияларнинг таъсири муаммосига доир назарий материаллар ёритилган.

Замонавий мактабнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларнинг ижодий ташаббуси ва мустақиллиги, конструкция ва рационализация кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш ҳисобланади. Шу муносабат билан шахсни шакллантиришда техник ижодкорликнинг роли тобора ортиб бормоқда. Ўқитишнинг дастлабки даврида техник ижодкорликни ривожлантириш зарурати олимлар, ўқитувчилар ва психологларнинг кўп йиллик тажрибаси орқали ўз тасдиғини топган.

Техник ижодкорлик таълим олувчилар эгаллаётган билимларнинг мустаҳкамлиги ва мукаммаллигини таъминлаш, уларда фаол ва мустақил фикрловчи шахс ҳислатларини шакллантириш, ақлий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаолият тури ҳисобланади. Ўсиб келаётган ёш авлод техник ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш, техника сирларини англаши ва шу йўналишда таълим берилса, республикамызда эришилган фан ва техника ютуқларига таяниб иш кўрилса, унинг илдизини янада чуқурроқ тушуниб, келажакда кучли техник мутахассислар, фан ва техника ютуқларига ўз ҳиссасини қўша оладиган, пировардида эса шу ёшлар чет элда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва асбоб-ускуналардан мукаммал, кучлироқ машина, механизмлар яратиш қобилиятига эга бўлган, шу йўлда тинимсиз меҳнат қилиши лозим.

Изланишлар натижасида техник ижодкорликка “замонавий таълим муҳитида дизайн талаблари асосида таълим олувчиларда лойиҳалаш, моделлаштириш ва конструкциялаш кўникмаларини тизимли эгаллаш ҳамда амалиётда қўллай олиш жараёнидир” – деб таъриф берилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши билан робот-техникаси тез орада таркиб топа бошлади. Уларнинг таркибига муҳандислик фаолиятининг ҳар бир турининг элементлари, шунингдек дастурлашдан ташқари, информатика, геометрия, физика (кўп жиҳатдан механика) асослари билан танишиш киради. Ҳар қандай ҳаракатларни мустақил равишда бажара оладиган LEGO роботларининг йиғилиши болаларда катта қизиқиш уйғотади, шунинг учун замонавий ёшлар роботтехникаси тўғаракларининг фаол иштирокчиларидир.

Робототехника – бу ақлли механизмлар-роботлар, модулли тузилишга эга кучли микропроцессорларни лойиҳалаш ва конструкциялашдир.

Робототехника (робот ва технологиядан; инглизча robotics - робототехника) – бу автоматлаштирилган техник тизимларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг муҳим техник соҳаси ҳисобланади. Робототехника илмий ва техникавий тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унда механика ва янги сунъий интеллект технологиялари ўзаро боғлиқ.

Ҳозирги вақтда дунёда кўплаб, турли ёшда ўқувчиларга мўлжалланган робототехника конструкторларини ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Улар ёрдамида робототехниканинг дастлабки босқичларини ўрганишдан

тортиб, турли дастурлар ёрдамида бошқариладиган роботларни яшашни ўрганиш мумкин.

Техник инновациялар йўналиши сифатида робототехника элементларини ўрганишни умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган физика, информатика, математика, технология ва бошқалар фанлар дастурлари мазмунига, шунингдек, ўқувчилар билан ихтиёрий дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар дастурлари таркибига киритиш лозим. Ҳар бир ўрта мактабда, унинг йўналишини ҳисобга олган ҳолда, мактаб ўқувчиларини техник тайёргарлиги таркибига робототехника элементларини киритиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиши керак. Бундай дастурнинг мақсади мактаб битирувчиларини яқин келажакда робототехника муҳитида самарали ҳаёт кечириши учун зарур бўлган техник маданиятни шакллантириш ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида физикадан тўғарак машғулотларида фанлараро интеграция асосида робототехника ўқув материаллари ва воситаларидан фойдаланиш, имкониятлари аниқланган. Ўқувчиларнинг роботларнинг ўқув моделларини ўрганиш ва қуриш жараёнида турли фанлардан эгаллаган билимларни такрорлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиши баён қилинади.

Ҳозирги вақтда Республикамизда ўқувчиларга робототехникага доир машғулотлар асосан мактабдан ташқари “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамда турли нодавлат таълим муассасаларида тўғарак машғулотлари сифатида йўлга қўйилган. Мазкур муассасаларда робототехника асослари ўқувчиларнинг билим даражасидан келиб чиқиб, уларнинг ёш тоифаларга мос ҳолда ўқитувчилар томонидан тузилган, ўқув дастурлар ва тақвим-мавзуий режалар асосида олиб борилади. Робототехника тўғарагининг 1-йиллик тақвим мавзуий режасида 27 соат маъруза, 41 соат амалий машғулотлар учун соат ажратилган бўлиб, ўқув йили давомида жами 68 соат машғулот олиб борилиши режалаштирилган.

Робототехника тўғараги тақвим-мавзуий режаси бўлим ва мавзуларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган физика фани мавзулари билан фанлараро интеграция асосида ўқитиш имкониятлари мавжудлигини кўриш мумкин (1-жадвал). Физикадан тўғарак машғулотларида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришда робототехника воситаларидан фойдаланишда ўқув материалларни тушунтиришда ўқитиш методларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан робототехника воситаларидан мактабларда ўқитилаётган фанларни ўқитиш жараёнига ушбу фан бўйича материалларни киритиш учун зарур методик ва дидактик материаллар билан таъминланиши лозим бўлади.

Робототехникада янги қурилмаларни лойиҳалаш ва ясашда яқка ҳолда сифатли амалга ошириш қийин. Шу сабабли фанлараро интеграция

заруратини инобатга олган ҳолда, ўқувчиларни икки гуруҳда (“hard skills” ва “soft skills”) жамоа бўлиб, ишлашни ташкил қилиш муҳим саналади.

1-жадвал

**Робототехника тўғараги тақвим-мавзуий режасидаги мавзуларни
фанлараро алоқадорликда ўқитиш имкониятлари**

№	Топшириқ мавзуси	Машғулот мазмуни	Фанлараро алоқадорликга мос келувчи мавзулар
1.	Робототехникага кириш	Хавфсизлик техникаси ва АТ хонасида ўзини тутиш қоидалари. Робототехниканинг асосий йўналишлари. Роботлар ясаш босқичлари ва уларнинг вазифалари.	8-синф “Электр хавфсизлик чоралари”, “Хонадон электр занжиридаги улашлар”
2.	Робот дастурлари, IDE да ишлаш асослари	Ўзгарувчан функциялар тушунчаси. Arduino IDE шарҳи, функционали ва у билан ишлаш алгоритмлари таснифи.	10-синф “Физиканинг тадқиқот методлари”
3.	Электротехникага кириш	Электротехниканинг асосий тушунчалари: электр токи, унинг параметрлари, кўп тарқалган радиоэлементлар, уларнинг турлари, вазифалари, улаш схемалари ва электрон схемани куришнинг асосий усуллари.	8-синф “Ток кучи ва уни ўлчаш”, “Электр занжирини йиғиш ва унинг турли қисмларидаги ток кучи ва кучланишни ўлчаш”
4.	Роботлар тузилишини ўрганиш	Робот тузилишидаги асосий элементларни ўрганиш. Кўп қўлланиладиган мавжуд ечимларни кўздан кечириш.	9-синф “Ярим-ўтказгичли асбоблар ва уларнинг техникада қўлланилиши”
5.	Роботларни бошқариш органларининг ишлаш асослари	Роботга буйруқ бериш, радио-тўлқинлар, рақамли ва аналогли сигналлар тушунчалари. Робот билан алоқа ўрнатиш, у билан ишлаш усуллари.	11-синф “Радио-алоқанинг физик асослари. Энг содда радионинг тузилиши ва ишлаши. Радиолокация”
6.	Светодиодлар ишини ўрганиш	Светодиод тушунчаси, унинг вазифалари ва ишлашини тушунтириш. Ом қонуни бўйича резисторнинг керакли номиналини ҳисоблаш. Светодиодларни Arduinoга улаш усуллари.	8-синф “Электр қаршилиқ”, “Занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни”, “Реостат ёрдамида ток кучини ростлаш”

Бу ўқувчиларда робототехниканинг ролини “soft skills” (soft skills, инглизчадан – “юмшоқ кўникмалар”) каби аниқланадиган шахс хислатлари мажмуасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳар қандай инсоннинг бошқалар билан ўзаро ҳамжиҳатликдаги иши самарадорлигини оширадиган шахс хислатлари ва универсал компетенцияларини шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, шахслараро мулоқот кўникмалари (солиштириш учун “hard skills” – моҳир қўллар, яъни касбий

кўникмалар)ни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларга робототехника элементларини лойиҳага йўналтирилган ўқитиш методларидан фойдаланиб, ташкил қилиш ўқувчиларнинг бутун шахсий хислатлари мажмуасига таъсир қилувчи самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.


Ёшларга техник таълим бериш мазмуни, биринчи навбатда, жамиятдаги турли соҳаларида қўлланилаётган янги техника ва технологияларни яратилиши, ишлаб чиқаришда тадбиқ қилинишининг илмий асосларини ўрганиш орқали бойитиш керак. Фанлараро интеграцияни амалга ошириш орқали мавзуларини ўрганиш давомида ўқувчиларни робототехниканинг физикавий асослари билан таништиришга, турли янги конструкциядаги роботларни лойиҳалаштиришга, робототехника қисмлари базасидан онгли ва самарали фойдаланишга, замонавий такомиллаштиришга робот моделларини яратиш имконини беради.

Умумий ўрта мактаб ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда физика фанида политехник таълим таркибий қисми сифатида ўқув жараёнига робототехника элементларини тадбиқ қилиш бўйича модел ишлаб чиқилди (1-расм). Моделда ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини робототехника элементларидан фойдаланиб амалга ошириш кетма-кетлиги, унинг таркибий қисмларини батафсил ёритилган.

Моделда умумий ўрта таълим мактаблари фан дастурлари мазмунига мувофиқ ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантириш мақсад қилиб белгиланган.

Ташкилий компонентлар сифатида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенциялари мазмунини такомиллаштириш, техник ижодкорлик, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, дизайн, ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш шарт-шароитлари, дидактик таъминот воситаларига: кўргазмали восита, босма ва электрон таълим ресурслари, ёндашувлар: компетенциявий, тизимли фаолиятли, шахсга йўналтирилган ёндашувлар киритилган.

Физика машғулотларида ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини такомиллаштиришда робототехника қурилмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг замонавий технологияларни ишлаши тўғрисида етарли билимларга эга бўлишларини, турли техник қурилмаларни лойиҳалаш ва яшашга оид компетенцияларини шаклланишига хизмат қилади.



1-расм. Ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида ривожлантириш модели.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш**” номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг таҳлили ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Умумий ўрта таълим тизимида физикадан тўғрақ машғулотларида ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг бош мақсади таълим муассасаларида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришда робототехника элементларидан фойдаланиб фанга доир билимларни тўлақонли етказиб бериш, уларда фундаментал физикавий билимларни шакллантириш, физикавий қонуниятларни техника ва ишлаб чиқаришга тадбиқини амалиётда кўрсатиш, ўқувчиларнинг техникавий касбларга қизиқишларини оширишдан иборат.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементлари асосида такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мақсадининг ижобий ечимини таъминлаш, таълим жараёни самарадорлигини оширишда робототехника воситаларидан фойдаланиш, физикавий қонуниятларни техникага тадбиқ қилишга доир компетенцияларни такомиллаштириш, физикани ўрганишга қизиқиш ва унинг муҳандислик соҳасида қўлланилишига доир янгича ёндашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Тажриба-синов ишларини ўтказишдан аввал қуйидаги вазифалар белгиланди:

- умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган тажрибали физика ўқитувчиларидан мавжуд муаммоларни аниқлаштириш;

- физика бўлимлари мавзулари таҳлили асосида тўғрақ машғулотларида назарий ва амалий машғулотлар жараёнида робототехника элементларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, фанлараро интеграция асосида ўқитиш мумкин бўлган мавзуларни аниқлаш;

- ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларини шакллантирилган даражасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимини синаб кўриш;

- дастлабки натижаларни таҳлил қилиш;

- физикадан тўғрақ машғулотларида робототехника элементларидан фойдаланишга мўлжалланган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун зарурий методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

- робототехника элементларидан фойдаланиш, натижасида эришилган таълим самарадорлигининг мавжуд даражасини таҳлил этиш;

- таҳлил натижаларига кўра таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Умумий ўрта таълим мактабларида тўғрақ машғулотларини ташкил қилишда таълим мазмунини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда физика ўқитувчиларининг инновацион технологиялар, робототехникага доир ўқув материаллари ва ўқитиш воситалари таълим

олувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишида муҳим ўрин тутди. Педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигини белгилашда ташҳиснинг тўғри йўлга қўйилиши долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан робототехника элементларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг техник ижодкорликка оид компетенцияларининг дастлабки ҳолатини аниқлашга алоҳида аҳамият берилди. Ўқувчилар билан анкета сўровномалари ўтказилди. Жавоб натижаларининг таҳлиliga кўра, ўқувчиларда робототехникага доир ўқув материаллари, уларни лойиҳалаш ва моделлаштириш, физикадан тўғарак машғулотларида турли роботлаштирилган тажрибаларни ўтказишга доир билим ва тасаввурлар етарли даражада эмаслиги аниқланди.

Тажриба-синов ишлари учта, таъкидловчи (2017-2018 йй.), шакллантирувчи (2018-2019 йй.), якунловчи (2019-2020 йй.) босқичлардан иборат бўлиб, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Самарқанд давлат университети қошидаги физика-математикага ихтисослашган мактаб, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 39-умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг бошланишида ўзлаштириш даражалари бир-бирига яқин бўлган ўқувчилар гуруҳлари иштирок этишига эътибор қаратилди. Физика тўғарак машғулотларида ўқувчиларнинг робототехника элементларидан фойдаланиб техник ижодкорлик компетенцияларини шакллантирилганини аниқлаш учун тўрт даражали (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз) мезондан фойдаланилди. Педагогик тажриба-синов ишларига 537 нафар ўқувчилардан 269 нафари тажриба гуруҳига, 268 нафари назорат гуруҳига жалб қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синов ишларида қатнашган ўқувчилар сони

Гуруҳлар	Жами ўқувчилар сони	Ўқув йиллари		
		2017-2018	2018-2019	2019-2020
Тажриба	269	88	89	92
Назорат	268	87	91	90
Жами	537	175	180	182

Педагогик тажриба-синовларида кўзланган мақсад физикадан тўғарак машғулотларида ўқитишнинг таклиф этилаётган усули ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришда робототехника элементларидан фойдаланишни текшириб кўришдан иборат. Педагогик тажриба-синовишлари натижалари математик- статистик методларидан χ^2 -Пирсон критерийси усулидан фойдаланиб қайта ишланган.


Педагогик тажриба-синов ишлари умумий ўрта таълим мактабларининг VIII синфларида физикадан тўғарак машғулотларида робототехника элементларидан назарий ва лаборатория машғулотларида жараёнида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини такомиллаштириш

даражаларига эътибор қаратилди. Педагогик тажриба-синов жараёни охирида тажриба синфлари ўқувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари, техник ижодкорлик компетенцияларининг такомиллашганлик даражалари синов синфларидагиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

Олинган натижаларнинг ишончли эканлигини текшириш учун χ^2 (хи-квадрат) услубидан фойдаланиб, математик-статистик қайта ишланди. Бунда қуйидаги четланишлардан эътиборга олинди.

1. Тажриба ва синов синфларни тасодифий танлашни амалга ошириш.
2. Танлашлар ва ҳар бир танлаш аъзолари бир-бирига боғлиқ эмаслигига эътибор қаратиш.
3. Ўлчаш шкаласи номланиш шкаласи ҳисобланиб, 4 та мезонга эга: “Аъло”, “Яхши”, “Қониқарли”, “Қониқарсиз”.

Аниқлик даражаси $\alpha=0,05$ ва эркинлик даражалари сони $s=4-1=3$ учун критик мезон қиймати $T_{кр.} \leq T_{куз.}$ бўлиб, $T_{кр.} = 7,18$ га тенг бўлади. Олинган фарқларнинг аниқлик даражаси $\alpha=0,05$ бўлиб, ўтказилган педагогик тажриба-синовнинг ишонарли эканлигига ва хулоса қилишимизга асос бўлади.



2-расм: Ўқувчиларнинг тажриба-синов якунида ўзлаштириш кўрсаткичи диаграммаси

Физика тўғарак машғулотларида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини робототехника элементлари асосида такомиллаштиришда тажриба бажарилганда $T_{куз.}$ мезонлар (“Аъло”, “Яхши”, “Қониқарли”, “Қониқарсиз”) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$T_{куз.} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum \frac{(n_1 Q_{2i} - n_2 Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} = \frac{1}{n_1 n_2} \left[\frac{(n_1 Q_{21} - n_2 Q_{11})^2}{Q_{11} + Q_{21}} + \frac{(n_1 Q_{22} - n_2 Q_{12})^2}{Q_{12} + Q_{22}} + \frac{(n_1 Q_{23} - n_2 Q_{13})^2}{Q_{13} + Q_{23}} + \frac{(n_1 Q_{24} - n_2 Q_{14})^2}{Q_{14} + Q_{24}} \right]$$

Бу ерда: n_1 – тажриба “Т” синфлардаги ўқувчилар сони;

n_2 – синов “С” синфлардаги ўқувчилар сони;

Q_{1i} – биринчи танловда баҳо олган ўқувчилар сони бўлиб, бу ерда i (i – “Аъло” бўйича 3, “Яхши” бўйича 4);

Q_{2i} – иккинчи танловда баҳо олган ўқувчилар сони бўлиб, бу ерда i (i – “Аъло” бўйича 3, “Яхши” бўйича 4);

Тажриба-синов натижалари умумлаштирилиб диаграмма кўринишида 2-расмда тасвирланган.

Тадқиқот орқали ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг педагогик нуқтаи назардан ишончлилигини ҳамда статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ижобий натижаларга олиб келганлигини кўриш мумкин. Педагогик-тажриба синов давомида аниқланган ўзлаштириш самарадорлиги бирдан катталигини ёки 13 % га ошганлигини кўриш мумкин. Демак, биз тавсия этган ўқитиш методикаси анъанавий олиб борилган ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги математик-статистика усуллари орқали исботланганлигини кўриш мумкин. Тажриба синовда ўтказилган тадқиқотлар илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот давомида олиб борилган илмий кузатишлар, танишиб чиқилган назарий, иқтисодий, техникавий, педагогик, психологик адабиётлар, мактабларда ўтказилган тажриба-синов ишларидан олинган натижаларга ҳамда уларни қиёсий ўрганишга таяниб, диссертация ишида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида техник ижодкорликка оид компетенцияларини робототехника элементларидан фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар таҳлили, техник ижодкорликка оид ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятида илгари сурилган илмий-назарий ғоялар методологик асос бўлиб хизмат қилади.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнига техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш методикаси робототехника конструктив элементларини тақсимланган ҳолда кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш асосида такомиллаштирилди.

3. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига тўғарак машғулотларида техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришнинг услубий таъминоти конструкторлик элементларини автоном тарзда ишлатиш имконияти ва механик модуллари тизимли қўллаш орқали такомиллаштирилди.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларнинг техник ижодкорликка бўлган қизиқишларини ривожлантиришга мўлжалланган Arduino «STARTER». 12+ ўқув тўпламидан фойдаланиш натижасида компетентлилик, муҳандислик тафаккурини шакллантириш, техник ижодкорликка бўлган қизиқишларини ривожлантириш имкониятлари такомиллаштирилди.

5. Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш модели робототехника элементларини дастурлашга физик-кимёвий ва механик ёндашув яхлитлигини киритган ҳолда такомиллаштирилди.

6. Умумий ўрта таълим мактабларида физика тўғарак машғулотларида техник ижодкорлик компетенцияларини такомиллаштириш ва техник

таълимни амалга ошириш методологик ёндашувлари робототехника элементларининг идентив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

7. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига тўғарак машғулотларида техник ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришда робототехника элементларидан фойдаланишнинг асосий босқичлари, мазмуни, ташкил этиш йўллари, ижобий самара бериши аниқланган.

8. Педагогик тажриба-синов натижалари тажриба синфларда назорат синфларга нисбатан юқори эканлиги (χ^2) хи квадрат, Пирсон критерийси фойдаланиб, натижаларни қайта ишлаш асосида исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/ 30.04.2021. PED.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУЙЧИЕВ АЛИМДЖАН АЛИЖОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА УЧЕНИКОВ НА
ОСНОВЕ РОБОТОТЕХНИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент– 2021

Тема диссертации на доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3-4.PHD/Ped355.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.csri.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Джураев Хусниддин Олгинбоевич доктор педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Абдиев Умирбек Бегматович доктор педагогических наук, доцент Усманов Шукрулло Нематович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Защита диссертации состоится «15» июля 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 по присуждению ученых степеней при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте. адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована под номером 27). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «6» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «6» июля 2021 года)



 **Ж.Э. Усаров**
председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д. п.н. (DSc)

 **Д.М.Махмудова**
ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, к.п.н. (PhD)

 **Р.А. Эшчанов**
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней д.б.н, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Особое внимание уделяется использованию инновационных приемов и технологий при поиске практических решений проблем в социально-экономической и образовательной сферах во всем мире. В настоящее время в таких развитых странах, как Англия, Германия, Корея, Россия, Франция, Япония (LegoMindstorms, LegoWeDo, Huna, Arduino, Matrix) вопросы использования робототехники учениками разного возраста, элементов робототехники в развитии технического творчества изучаются в ведущих университетах и образовательных центрах развитых стран. Также, на основе современных достижений науки и техники развитие компетенций учеников в сфере технического творчества приобретает все большее значение в связи с ускорением исследований в области робототехники местного инженерного корпуса.

В мире проводится ряд исследований по эффективному использованию робототехники в развитии компетенций учеников в сфере технического творчества и по совершенствованию технического творчества учащихся. В частности, это играет важную роль при подготовке будущих профессионалов, учеников к условиям инновационных технологий, обучении и образовании в качестве будущих потребителей роботизированной среды в таких областях технических инноваций, как робототехника и при подготовке производителей роботов и робототехнических систем. Одним из наиболее актуальных вопросов является развитие навыков проектирования и моделирования робототехнического оборудования, обеспечивающих освоение студентами научных основ современных технологий при реализации технического образования на кружковых занятиях по развитию компетенций учеников в сфере технического творчества.

В нашей стране решен ряд задач по созданию необходимых условий для развития компетенций учеников в сфере технического творчества, укреплению материально-технической базы образовательных учреждений, оказанию дидактической и методической поддержки и разработке нормативных документов. Одним из приоритетных задач в системе образования является «увеличение доли современных кружков робототехники, информационных технологий и программирования в дополнительном учреждениях образования на 20% к 2030 году» [1]. Повышение дидактического и методического потенциала по формированию компетенций учеников в сфере технического творчества кружковых занятий физики, Разработка методики обучения на основе элементов робототехники для внешкольных занятий послужит усовершенствованию технических творческих компетенций учащихся.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по

